

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Наманган давлат университети
Тасвирий санъат кафедраси

НАҚҚОШЛИК
фани буйича

(5211200 – Амалий санъат йўналиши учун)

“ОДДИЙ НАҚШ НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАШ”
(амалий машғулот ишланмаси)

АМАЛИЙ ДАРС ИШЛАНМАСИ

Наманган – 2012

Тузувчи: Тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси,
З.Шералиев

Такризчи: Доцент Ў. Абдуллаев

МАВЗУ: Оддий нақш намуналарини ишлаш.

Дарснинг мақсади:	Талабаларга оддий нақш намуналарини ишлашни ўргатиш ва уларни ўзига хос жиҳатлари ҳақида тушунчалар бериш.
Жиҳози:	Нақш намуналарини босқичма-босқич чизилган намуналари, қоғоз, қалам, циркул, чизғич, гуашь, мўйқалам
Услуби:	Сухбат, амалий иш

Дарсни режаси: 1.Йўл ичидаги нақш намуналарини ўзига хос жиҳатлари
2.Оддий нақш намуналарини номланиши
3.Оддий нақш намуналарини чизиш босқичлари

1. Ташкилий қисм

2. Янги дарс баёни

Оддий нақш намуналарини ўрганишда ўзбек халқ усталари қадимдан қўллаб келаётган нақш элементларини ёддан чизиш, стилизация орқали янги нақш элементларини ҳосил қилиб улар иштирокида композициялар тузиш мақсадга мувофиқдир.

Нақш чизишни қонуниятларини яхши ўзлаштиришда намуна учун берилган йўл ичидаги ўнта оддий нақш намуналари чизишнип ўрганишни самараси каттадир.

Оддийдан мураккаблашиб боровчи мавжуд ўнта йўл исидаги хошиясимон нақш намуналари таниқли наққош усталаримиз томонидан тузилиб, номланган. Айтишларича XX асрнинг 30 йилларида Тошкентда очилган Бадиий ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг наққошлик бўлими ўқитувчиси уста Олимжон Қосимов ва кейинроқ Жалил Хакимовлар, бошланғич дарс машғулотларини тўртта нақш намунаси ёрдамида олиб борган эканлар.

Айрим тахминларга кўра бу нақш намуналарини юқорида номлари зикр этилган усталарнинг ўзлари яратганлар.

Кейинчалик уста Жалил Хакимовнинг биринчи шогирдлари дан бўлмиш моҳир педагог, наққош уста Маҳмуд Тўраев оддий нақш намуналарини яна қўшимча олтита нусхасини яратиб номлаган. Наққошликда ишлатиладиган ўнта нақш намунасини ёғоч ва ганч ўймакор усталари ўйиш жараёнига мос равишда мослаштирганлар. Оддий нақш намуналарини номланиши ва чизилиш тартиби қуйидагича:

“Бодом гули”(1-гул)

“Як рафтор” (2-гул)

“Баргли рафтор” (3-гул)

“Баргли ислими” (4-гул)

“Айлана ислими” (5-гул)

“Меҳроб ислими”(6-гул)

“Ислими Бофта” (7-гул)

“Қўш меҳробли ислими” (8-гул)

“Патнисгул ислими” (9-гул)

“Ислими шкуфта” (10-гул)

Ушбу оддий нақш намуналарини дастлаб каттак дафтарига босқичма-босқич чизиш машқ қилинади. Маълум кўникма ва малакага эга бўлгандан сўнг, мазкур нақшларни расм дафтарига икки нусхада қаламда ва бўяш учун алоҳида тарзда чизилади.

Оддий ва бошқа нақшларнинг мукамал тузилиши жиҳатларига назар ташласак, улардаги шакл ясовчи асосий йўл ҳаракатларини ёки тўлдирувчи гул, новда элементларининг ҳар қайсиси ўз ҳолича композицион ечимлардан иборат.

Масалан: “Қўш меҳробли ислими” нақш намунасида меҳроб шаклимиз якка бандли шакл ясовчи вазифасини ўтайди ва гул, новда, куртак элементлари эса нақшнинг заминини тўлдириб туради. Меҳроб шакли ўз ҳолича новда гул боғланишлари билан алоҳида нақш тасвирларини англатиши мумкин.

3. Амалий иш.

Оддий нақш намуналарини чизишга доир машқлар.

Ўнта нақш намунасини чизиш учун каттак дафтар ёки расм дафтар, қора қалам, чизғич керак бўлади. Нақш ўлчамларига аҳамият берган ҳолда қаламни енгил, босмасдан чизиш лозим.

“Бодом гули” (1-гул) ни қаламда каттак дафтарга қуйидаги босқичда чизилади.

1-босқич. Икки параллел чизиқ чизилиб, уларнинг оралиғи тенг бўлақларга бўлинади. Катак квадратларга диагональ ўтказилади. Буларнинг ҳаммаси ингичка чизиқлар асосида бажарилади.

2-босқич. Икки квадрат оралиғига ярим айлана чизиб чиқилади.

3-босқич. Ярим айлана шакллари пастки томонларга ҳам ишком кўринишда чизилади.

4-босқич. Иккала баргни пастки ва устки томонларидан куртаклар чизилади. Қолган 9 нақш гулларини берилган намуналар асосида шу каби босқичлар асосида чизиб

чиқилади. Нақш намуналарини бир неча мартаба чизиб, машқ қилиш нақшларни нафис ва равон чизишга ўргатади.

4. Дарсни мустаҳкамлаш: Йўл ичидаги оддий нақш намуналарини таҳлили.

5. Мустақил иш топшириқлари

1. Ўнта нақш намуналарини босқичма-босқич чизиш машқ қилиш
2. Оддий нақш намуналарини амалий санъат турларидан ёғоч ва ганч ўймакорлигида қўлланиши ва уни таҳлил қилиш.

Назорат саволлари:

1. Тавсия этилган ўнта йўл ичидаги нақш намунасини вазифасини айтинг?
2. Ўнта йўл ичидаги нақш намунаси қайси усталар томонидан яратилган?
3. Оддий нақш намуналарининг номларини айтинг?
4. Оддий нақш намуналарини чизиш босқичлари қандай?

Таянч тушунчалар:

1. Стилизация-қайта ишлаш умумлаштириш
2. Қўшбанд-икки бандли
3. Банд-новда, ўсимлик пояси
4. Шкуфта-боғловчи элемент
5. Ритм-даврий такрорланиш

Фойдаланган адабиётлар:

1. С. Булатов. Ўзбек амалий безак санъати. - Тошкент “Меҳнат”, 1991.
2. Қ. Қосимов. Наққошлик. - Тошкент “Ўқитувчи”, 1989.